



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 йил
21 июндан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 68 (20. 335)

1989 йил 22 март, chorshanba

Баҳоси 3 тийин.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

1989—1990 йиллар мобайнида СССР ҚУРОЛЛИ
КУЧЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА МУДОФАА
ХАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Қуролли Кучларини замонавий совет ҳарбий доктринасига мувофиқлаштириш, бу кучларнинг таъинлиқ структурасига кўпроқ мудофаа йўналишини бахш этиш, мамлакатнинг мудофаа қўбиллатини оқилона ва етарли даражада ишончли сақлаш ҳамда мудофаа харажатларини янада камайтириш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. 1989—1990 йилларда Совет Иттифонининг оддий қурол-яроғлари ҳажминини ҳамда СССР Давлат бюджетидан мудофаа ахтиёрлари учун сарф-харажатларини анча камайтириш, СССР Қуролли Кучлари (Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотини) ҳарбий хизматчилари 500000 киши қисқартирилиши.

2. СССР Министрлар Советига ушбу Фармоннинг 1-моддасини бажариш юзасидан тегишли тadbирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилиши.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари СССР Қуролли Кучларини қисқартитиш муносабати билан запарга офитерлик составидан ишчиларни, прапорщиклар, мичманлар ва муддатдан ташқари хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларни СССР Министрлар Совети белгилаб қўйган тартибда ишга жойлаштириш ва уй-жой билан таъминлаш учун зарур тadbирларни кўрсинлар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ,
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1989 йил 21 март.

Дунё ОВОЗИ



Хитой норозилик билдирди

Халқ вакиллари Умумий хитой мажлиси (КВМ)нинг таъин қилинган комиссияси 16 март куни АҚШ сенати Тибет масаласи хусусида резолюция қабул қилганини муносабат билан икхонда дарга-заб бўлганлигини ва қатъий норозилигини илхор эъти.

Синхуа агентлиги тарқатган комиссия баёнотида, Америка сенатининг резолюцияси Хитойнинг Тибет автоном районининг тарихи ва бутунги кунини бузиб кўрсатаётганини, Тибетдаги репрессиялар ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши хусусида ХХР ҳукуматини ишворлик билан айблагганини, шундай қилиб бир гуруҳ сепаратчиларнинг, зуравонлик ҳаракатини ошқорлаб қўлаб-қувватлаганини ҳамда Америка маъмурияти ва халқаро ташилотлардан Тибет ишига аралашганини талаб қилаётганини таъкидлагани.

Сепаратчиларнинг Хитойни бўлиб юборишга қаратилган зуравонлик ҳаракатлари оқибатида янгида Лхасада рўй берган воқеалар миллий ёки диний масала билан, айниқса инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ эмас, деб таъкидлагани хужжатда. «Тибет мустақиллиги» шiori остида ҳаракат қилаётган сепаратчилар сира ҳам «тинч намоёнчилар» эмас, улар ур-туполон қилиб иморатларга ўт қўйишди ва ҳаётга ўз хизмат бурчини адо этаётган қуролланган халқ полициясига ўқ отишди.

ХХР ҳукумати миллий бирлик, иттимоний барборорлик, граждандар ва улар мулкларининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни кўрди. Лхасада ҳарбий ҳолат эълон қилиниши натижасида аҳоли тез ўнланди, буни маҳаллий аҳоли ҳам маъқулламади. Шунинг таъкидлаши лозимки, инсон ҳуқуқларининг ҳимоя этилиши рўқаб қилиб олган бир гуруҳ шахсларнинг қаттиқ-қаратилган Тибетда феодал куликлик тилкашга чет элликларнинг хайрихоҳлиги ва қўлаб-қувватлагани эришиши йўлидаги уриниш бўлди.

АҚШ конгресси Хитой—Америка муносабатларининг умумий манфаатларини йўлаб ХХРнинг ички ишларига аралаштишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни тўхтатишга Хитойнинг умиди зўр деб таъкидлагани баёнотида.

Хитой ҳукумати ва халқий Европа парламенти ва Қўшма Штатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини қадриятли дейилган «Нанминг» Жаёбо» газетасининг шарҳида, АҚШ мушунга қарамасдан, биз Хитойнинг ички ишларига аралашувини қатъий қоралаймиз. (ТАСС).

Хабарлар оқимидан

Уч журналист ўлдирилди

Хабардордан келатган хабарларга қўра, Лотвия Америкадаги бу мамлакатда ақшабда кўни ўтказилган президент сайловиди ўта ўч миллатлик республика иттифоний партиясининг номзоди Алфредо Кристанн галаба қозонган.

Сальвадорда сайловлар Фабридо Мартини номили миллий овозлик фронтнинг қўраоловичлик фаолияти кўчайиши натижасида рўй берган гойт кескинлик вазиятида ўтди. Миллий овозлик фронтни мамлакат аҳолисини бу сайловда қатнашмасликка чакирди. Сан-Сальвадорда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида қўраоловичлар тарафдорларининг полиция ва армия билан тўқнашувлари натижасида гражданд аҳоли ўртасида қурбон бўлганлар бор. Шу жумладан ички маҳаллий журналист, ҳамда Голландия телевидениесининг Сальвадордаги мухбири ўлган.

НОМАЎЛУМ ВАҚТГАЧА

Жанубий Корея президенти Ро До У давлат бошлиқи лозинида бўлган вақт оралиғида унинг фаолиятига баҳо бериш учун умуумийлик референдуми ўтказилиши номаълум вақтгача кечитрилганлигини эълон қилди.

Сеул маъмурияти билан Ро До У бошчилигидаги хунирот аҳоли демократик партияи ўрта катта тadbирлар билан бошлаб юборган эдилар. Ро До У Сеулдаги Олимпияда ўйнайларидан сўнг 1987 йилнинг декабри ойда президент сайловига тadbирлар кампанияси даврида референдум ўтказилган деб шахсан ваъда берган эди. Энди бу референдум апрель ойи ўрталарида бўлади. (ТАСС).

Кўклар меҳнат билан кўркам!

КўЧАТЛАР ЭКИЛМОҚДА

Самарқанд районини меҳнатқиллар эртани қарам кўчатини экиб бўлишди. Қиш кўчат экинчи икки ҳафта кечиктирган бўлса-да, улар ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишни режалаштиришмоқдалар. Қатор ора-ларига шилво беришни кўчатириб ва органик ўғит солишни қўлайтириб кўчатлар ривожини тезлаштиришга қарор қилишди.

«Самарқанд» агрономат комбинатида эртани қарам кўчатини биринчи марта илбна тағида экила бошладилар. Комбинат аъзолари қарамдан 600 тоннага яқин ҳосил олиш ниятидандилар. Кўпроқ қарам экинчилари ҳам музкин эди, аммо ҳозирча талаб қилинганга қараганда икки барабар оз поли-этиллен илбна олишди. Айни кунларда район сабазоткорлари бодринг ва помидор кўчатларини ўтқанишга тadbирларни кўришмоқдалар.

(ЎзТАГ).

КўЙЛАР ИККИ БАРАВАР КўПАЙДИ

Қашқадарьдаги «Ўзор» давлат наслиқчи заводи отларига қўнлатиш наманасини айни авжида. Машҳур чўпон Зийкў Абиров кампанияни яқунлади. Унинг кўйлари сови икки барабар орди. Бунинг сирин оддий: Абиров ҳаммадан олдин кўчларини қузда сунъий ўрчитди. Эксперимент муваффақиятга эришти.

Эртани кўйлар, — дейди давлат наслиқчи заводи директори Яраш Нуруллаев, — шу кунларда туғилган кўйлардан бақувватлиги, тез семирishi, демак, кўпроқ жун бериши билан усту турлади. Қар бир ана шундай қўн хужаликда ўрта ҳисобда 15 сўм қўнмишга фойда келтиради.

«Ўзор»дан бошқа хушхалар ҳам бор. Бу ерда дастлабки 300 гектарлик майдон суғориладиган янги оғайлатилмоқда. Келгусида янги янада келгусида Шу йилнинг баёндак, севратон қўдаги барча ўз-ўзларини қўнлатган пайтда бу ерда беда ўсади. (ЎзТАГ).

КВАРТАЛ ПЛАНИ ТАЙЁР

Олтнариқ районини бўрдоқибонларни давлатга ўғит сотиш илбарал планини муқаддасдан олдин бажаришга муваффақ бўлишди. Эл дастурхонига қўзда тутилган 259 тонна ўрнига 270,1 тонна ўғит етказиб берилди. Қар бош бўрдоқибон ўғитча тирик вази 465 килограммдан ташиқ эъди. Бу муваффақиятга Охунбобов номили, М. Горький номили колхозлар ва «Ленин-обод» совхозини бўрдоқибонларни баракати улш қўчилиши.

Район бўрдоқибонларини сунинчи квартал охирига қар давлатга яна 40 тонна секин ўғит тоширишни қўлашмоқда.

Х. ЖУРАБОВЕВ.

Қирғиз тилида

«Қирғизистон» республика нашрияти В. И. Ленин 55 томили тўла асарлар тўпламининг ўч олтинчи томини кирғиз тилида босмадан чиқарди. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурлида Партия тарихи институтини В. И. Ленин асарларини босмага тайёрламоқда. (ТАСС).

ФОТО АХБОРОТ



Тошкент райониндаги Охунбобов номили колхоз деҳқонлари шаҳарликлар дастурхонига мўл ва эртани ҳосил етказиб беришда катта тadbирга ўтганлар. Улар бу йил ҳам экин ишларини эрта бошладилар. Пўлбна остига экинлар қарамлар етказиб ишди. Эл дастурхонига севратонини махсуслот етказиб берилмоқда.

Аҳмад Нодирматов бошлиқ бригада коллективини 14 гектар майдонга қарам экиб, гектардан янгида 130 центнер ўрнига 160 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган. Айни кунларда бригада далаларида қарам экин ишди.

Суретларда: 1. Хўжалиқнинг тadbирли механизатори Қурат Сандҳўнаев. 2. Пўлбна остига етказилган қарамларини узши пайти. Бригада бошлиқи А. Абдукаримов, колхозчилар М. Эргашев, Г. Жамилвалер, 3. Аҳмад Нодирматов бошлиқ бригада далаларида қарам экин пайти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
Фотолар.



Фотимахон дала ишларини бемалол уудалашади.

ИЖАРА ПУДРАТИГА — КЕНГ ЙУЛ

ЎЗ ТРАКТОРИДА ДАЛАГА

Анджон область Пахта-обод районинда «Москва» колхозини аъзоси Пўлатбой Мамадалиев 12 гектар ерни ижарага ажратилларини сўраб колхоз правлинесига ариза берди. Унинг илтимосини қондирди.

Шартнома асосан у 10 гектар ерга пахта, 2 гектар ерга уруғлик саби экинчи керак. Йил якунида шартнома бўйича ҳар гектар майдондан 30,6 центнердан пахта ҳосили олиб, 20 минг сўм микдорда даромад келтириши лозим.

Мамадалиевлар оиласи кўпчилигини ташкил этади. Ҳаммаси меҳнатшор. Угли Ҳасанбой тракторини бошқарса, келини Байхон, қизи Зайнабхон, турмуш ўртоғи

Ижара шартига қўра П. Мамадалиев

бу даромадининг 8 минг сўминини колхозга топшириши керак, 12 минг сўминини уруғлик, минерал ўғит, ёнилги сотиб олиш ва иш ҳақи учун сарфламоқчи. Бу ишларини амалга ошириш учун ижарачи янгида ўз жамгармаси ҳисобидан битта чоқиқ трактори ва аравача сотиб олди.

Мамадалиевлар оиласи кўпчилигини ташкил этади. Ҳаммаси меҳнатшор. Угли Ҳасанбой тракторини бошқарса, келини Байхон, қизи Зайнабхон, турмуш ўртоғи

К. ИВРОҲИМОВА.

Соҳибкорлар файрати

Гагарин райониндаги А. Набиев номили совхознинг адирликлари бағрида 3 гектарлик узумзор бунёд этилганга унча кўп бўлгани йўқ. Унда 5 хил узум нави бор.

Тадбирли соҳибкор Қ. Турсунов раҳбар бўлган 7 кишилик оилавий зевно боғда пудрат асосида меҳнат қилмоқда. Соҳибкорлар бу йилги ҳосилда пухта замин ҳозирлашди. Мавжуд ток кўчатлари сифатли кесилди, шакл берилди, минерал ўғит билан озиқлантириб, сифатли юмшатилади, ариқлар қазилиб, сув олишга тайёрлаб қўйилди.

Н. ТОҒАЙНАЗАРОВ.

ОРСА:
«СОВЕТ УЗБЕКИСТОН»
МУХБИРЛАР
ПОСТИ

Тахнатош — Қўнғирот — Қўларини сув йиғиш ва тозалаш ишооти Амурдадаги Тахнатош гидроузелининг шимол-ғарб томонида қад кўтармоқда. Комплекс дарёнинг чап тарафидан шаҳарлар, районлар, колхоз ва совхозлар, саноат корхоналарини илчиллик сув билан таъминлайди. У Орол денгизини райониндаги экология ва санитария-эпидемиология вазиятини тубдан яхшилашда катта аҳамиятга эга. Объект қурилиши учун салкам 18 миллион сўмлик маблағ ажратилган. У дастлабки планга қўра ўтган йилининг сўнгги ойида фойдаланишга топширилсин зарур эди. Афсуски, бинокорлар ўз ваъдаларини бажарилмади. Комплекснинг иши тушириш бўйича тузилган янги графикда белгиланган тadbирлар ҳам сунт адо этилмади. Дарёдан сув тортиришда атиги 60 процент иш уудаланди.

ХОТИРЖАМЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси Қорақалпоғистон область партия комитети билан биргаликда Орлоини сақлаб қолиш ишларининг боришини газета саҳифаларида мунтазам ёритиш мақсадида мухбирлар пости тузди. Бугун ана шу пост аъзоси тайёрлаган дастлабки мақола эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

атрофини бетонлашга сафарбар этиш зарур. Ҳовуз қурилишида атиги 60 процент иш уудаланди.

— Қўнлар исиб кетсин, ишни уч сменда ташиқ этаймиз, — дейди «Тахнатошгидроэнергострой» бошқармаси участка бошлиғи Александр Васильевич Ким.

Сув тидириладиган яна шундай бир объект қурилишида ҳам ишлар ўлда-жулда. У участка бошлиғи «комплекс қурилишида 300 га яқин киши меҳнат қилипди» дейди. Балки шундайдир. Бирроқ уларнинг иш унуми талабга яқин бормайди. Беш йилдан бундан лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган иш ҳажмининг атиги 30 проценти уудаланди. Шунга қарамай, қурувчилар объектни шу йил охирига қадар фойдаланишга топширишга ваъда беришмоқда. Амурда сувини санитария жиҳаддан тозалайдиган хужаликда, Тахнатош — Қўнғирот — Қўларини томонига иккинчи марта сув тортувчи насос станцияси каби объектлар қурилишида ҳам шундай камчиликлар, афсуски, учраб турибди. Айниқса, насос станциясини қурилишидаги аҳвол таъиниши. Бу ерда пойдевордан бошқа ҳеч нарса битмаган. Қачон пардозлаш ишларини киритиш, қачон жиҳозлар ўрнатилди? Қўнғирот қурилиши автоматик системаларини солашга қачон қилишилади? Бунга ҳаётга умест-

Диққат: янги рубрика

Беш юз километрдан зид ўзуулидаги Тахнатош — Қўнғирот — Қўларини сув ўзлаич қурилишидаги соқиллик Амурнинг сўл соқилида яшовчи минглаб кишиларнинг тоза ичимлик сув ҳақидаги озуларини чиппакка чиқариши мумкин. Объектнинг қайси бурчага борманг, чада қурилган иморатлар, соқилли ётган қурилиш материалларини қуриб, дингизга гап тортади.

Яна бир муаммо бор. Орол ҳақида қабул қилинган қарорда келгуси беш йиллик охирига қадар Тахнатош шаҳрида 14 километр узунликда водопровод қурувлари ўтказилиши планлаштирилган. Бу шаҳар Совети янги оқиматининг ҳисобига қараганда етарли эмас. Чунки водопровод тармоқларининг 80 километри реконструкция қилиниши керак. Акс ҳолда Тахнатош — Қўнғирот сув ўзлаичини ишга туширишга, босимини кўтаролмай, қурувлар ёрилиб кетиши мумкин.

Сув келтирган элда аниқ, дейдилар. Бунинг Тахнатош — Қўнғирот — Қўларини магистрал сув йиғиш ва тозалаш ишооти комплексини барпо этаётган бинокорлар, унутмасликларини, эл, ҳўрматига сазовор бўлиш учун объект қурилишини жадаллаштириш чорасини қурилиши керак.

А. КАМОЛОВ,
«Совет Қарақалпоғистони» газетаси ходими, Орол бўйи қурилишларидаги мухбирлар пости аъзоси.

Илмий лабораториялардан — ҳаётга!

Илмий очерк

„СУТЧУП“

ОММАЛАШАДИМИ?

План топшириқларининг бажарилишини таъминлай олмаётганликни сабабларидан бирини озуқа базасининг ноқорлигидан изласа тўғри бўларди. Бу ўринда пастия катта резерв бўлиб ҳизмат қилиши мумкин.

Модонки, сутчўпнинг фойдали озуқа сифатидаги роли тўғрисида гап кетар экан, Калинин районидagi «Гозчилик комплекси» да синовдан ўтган яна бир илмий тажриба хусусида тўхталиш жоиз. Бу ерда 320 бош гоэз тўрт гуруҳга ажратилиб, икки ой омухта эмга ўн процент сутчўп аралаштириб боқилди. Шуниси характерлики, барча гуруҳдаги паррандалар нормал ривожланди. Икки гуруҳдаги гоэзлар вази 3,5 килограмма етди.

Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган акт: Институтининг токсикология лабораторияси шароитида 8 бош буёқ ва ўн бош кўй тўрт ой давомида белгиланган пастия аралашмаси билан боғилганда моллар ҳаракатлиги активлиги ошди. Улар белгилангандан 1,5 килограмма кўп семирганликларни қайд этилди. Тажриба жараёнида ҳар бир мол ҳисобига 12 килограммдан аралаш озуқа тежаб қолганини таъминлади. Сўйилган моллар гўшти эса юқори сорт талабларига тўла жавоб берди.

Шу далилларнинг ўзиде пастиянинг истиқболлиги ўсимлик эканлигини исботлаб турибди. Бироқ шунга қарамай, уни оммалаштириш масаласи ҳанузгача сезиларли ҳал қилинмади. Чиройли гаплар, яхши ниятлар, умри узун ваъдаларнинг қороздан бўлти кўчилиши мушкул бўлган. Ваҳоликни, республикамиз ўзининг ихтисослашганлиги, аҳолисининг тез кўпайиши, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, табиий яёловларнинг камлиги сабабли гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта қийинчиликларни бошидан кечирмоқда.

Масаланинг ечими барча алоқадор ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг янгидан ҳамкорлиги туфайлигина амалга ошириш мумкин. Бироқ аравадан барча баравар тортмас, ётган ишни жойидан кўзгатиб қийин. Бу соҳада Ўзбекистон ССР Давлат агроносот комитетидан кўп нарсалар кутилганда. Аммо...

Микробиология институтининг пастия масаласи доир билимларига юзасидан республика Давлат агроносот комитети йўлаган жавоб хатидан кўчирма: Комитет институтининг пастия ўсимлигини оқова сувларда ва чорвачиликда озуқа сифатида фойдаланиш хусусидаги фикрларини қўйлаб-қуватлади. Мазкур ишланмалар ҳақ хўжаликда катта фойда келтиради ва улар республика агроносот комплексида фойдаланилади. (25 март 1987 йил).

Еки ўтган йилининг 11 октябрида республика Фанлар академияси билан Самарқанд область партия комитети қороздаги илмий марказ уюштирган долзарб илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммоларига бағишланган семинар кенгаши оқилади. Кенгашда катта илмий ходим Р. Шойқубовнинг «Оқова сувларини тозалаш биология технологияси» мавзусидаги доклады муҳомада қилинди. 48 алоқадор ташкилот, муассаса ва корхонадан қатнашган вакиллар — раҳбарлар, мутахассислар, инженер-техник ходимлар иштироғида кўриб бериладар. Семинар-кенгаш қароридида фандаги бу ютуқни ишлаб чиқаришга кенг ёпиш лозимлиги уқтирилди.

Б УНГА ҲУШАШ КЕНГАШЛАР Ўтган йили республика Давлат агроносот комитети ўсимликчинослик бош бошқармаси илмий-техника кенгашида ва Коммунистик районидagi Жумабозор луб заводида ҳам ўтказилди. Бироқ ҳола деган билан оғиз чучмайди, деганларидек ихтиронинг дадил парвози учун унинг қанотларига жон ато қилинмапти. Бунинг уддисидан чиқадиган агроносот комитетлари ҳам олдинга қараб қадам босишни кам ўйлаётдилар. Тўғри, Тошкент областининг айрим корхоналарида муайян юмушлар қилинди. Жумладан Калинин районидagi «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасида, Галаба районидagi «Сергели» совхоз-саноат комплекси, Коммунистик районидagi Жумабозор луб заводи ва яна икки паррандачилик комплексида пастия эчилиб, унинг ималарга қодирлиги синчиклаб қузатилади. Ўтган йил фанат беш объектдаги пировад натига — 720 миң сўмлик иқтисодий самара билан ўлчанди.

Пастиянинг қанопояни дастлабки ишлов беришдан ҳосил бўлган оқова сувларни фийл-тралашди роли катта, — дейди Жумабозор луб заводи директори Р. Мирғолиев, — Ўтган йил заводи ана шу усулни қўллаб, 216 миң сўмлик иқтисодий самарга эришди. Ўсимликнинг истиқболлиги эканлигига шубҳа йўқ. Бироқ пастия ақилданган сув ҳавзаларимизда ҳали чала ишларини кўп.

— Умуман, шу ишларга доир ҳужжатлар, келгуси режалар билан таништира оласизми?

— Афсуски йўқ. Мен бу ерга раҳбар бўлиб келганимга атиги уч ой бўлди. Бу масала билан бош инженер шўғулланган...

Агар завод раҳбарлики келгуси режалардан хабари йўқ экан, унда янгиликнинг қанот ёйишига ким қаролат бера олади? Бу саволни деярли барча мутасадди ташкилотлар раҳбарларига бериш мумкин. Нега? Чунки ихтиро яратилганга етти йил бўлганга-ю, қилинган ишлар кўлами дарёдан тўмчидай, ҳоло. Муаммолар эса бир талай. Олдиндан оқин сувнинг қадри йўқ, деб шунга айтсалар керак-да! Ўзимизда яратилган янгилик довуғи мамлакатимизга ёйилди. Белоруссия, Украина, Молдания республикалари, Челябински, Пермь шаҳарларидан пастияни қўллашда ёрдам сўраб ёзилган хатлар келмоқда. Челябинскдан олинган хатда ҳатто сутчўпни сув ҳавзаларига ўтказишда махсус транспортлардан фойдаланиш режалаштирилгани билдирилди. Сув ўсимлиги ҳали манзилга етиб бормасдан у билан боғлиқ юмушлар оқилона ташкил этилаётгани кишининг ҳавасини келтиради. Ўзида-чи? Агар иштиро муаллифларидан Р. Шойқубов ва Ж. Қўтлоровнинг сутчўпни ўтказиш ҳамда ҳосилни янгиштириб олиш жараёнида қўл меҳнатини бирмуқта енгиллаштирадиган усули — қайиқча фойдаланиши ҳисобга олмаганда, айтишга ариқилди биронта иш қилинмади.

«Сергели» совхоз-саноат комплекси директори Абдурахмон Маннонов билан суҳбат-лашганимизда у юқорида юмлари зикр қилинган олимлар гоёсини илгари сурди. — Пастия эканлигини сув ҳавзалари 3 гектардан 15 гектарга етказилди, — деди у, — эндиликда оқова сувларидagi заҳарли органик ва минерал моддалар оғиз фозлаштирилишига эришилмоқда. Бундан ташқари, пастия ўстирилган ҳовузаларда кунгита 50 тоннадан кўк масса олинаётир. Мавжуд 57 миң бош чўчқани етарли озуқа билан таъминлаш учун эса сув ҳавзаларини янада кенгайтиришимиз керак. Маса-



СУРАТЛАРДА: 1. Микробиология институти лабораторияси мудири Ж. Қўтлоров билан пастия ўсимлигини кўздан кечиришмоқда. 2. Ўсиб етилган пастия. 3. Институти тажриба сув ҳавзасида сутчўпнинг ўстирилиши. В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

ланнинг «лекин» ҳам бор. Чунки пастия совуққа чидамсиз. У фанат апрель ойидан ноябргача ўсиб, ривожланади. Ундан йил ўзи икки ой узувисси фойдаланиш учун эса сув ҳавзаларининг устини ёпиш лозим бўлади. Бунинг учун бир миллион сўмдан ортиқ маблаг сарфланиши керак. Айни пайтда теллишалар кўриб, сутчўпни ўзимизда кўпайтирмоқчимиз.

Аниқ ва равшан фикр. Аммо у яшашга рухсат олгунча яна қанча қувон пишгани борлиги номаълум. Ҳақиқатан ҳам, ихтиро муаллифларининг кўйиб-пашганлари бор. Улар нимани тақлиф қилишга? Осон ва аранг усулни! Тез ва соз усулни! Мана, ўзини қийсалаб кўриб. Оқова сувларини тозалашга ҳозирга амал қилаётган аънавий усули пастияга нисбатан самараси анча паст. Бундан ташқари уни қуриш, ишлатиш жуда қimmatга тушади. Унда катта бўлмаган ферма, ёрдамчи хўжаликларда фойдаланиш мушкул. Бунга электр энергия сарфини, нархи баланд турадиган хлор моддаси ишлатилиши қўшадиган бўлса, икки ўртадаги фарқ яққол кўрина қолади. Пастия яна бошқа ўсимликлардан юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Масалан, у 20—40 сантиметрга етганда йиғиб олинади. Ҳар бир гек-

тар сув усти саҳнидан 90—135 тоннагача ҳосил (куритилган масса ҳисобиди) олиш мумкин. Беданинг эса бир мавсум давомида ҳосилдорлиги 15—20 тоннадан ошмайди. Пастия тарихида 18,3 дан 32,7 процентгача оқсил моддаси бўлса, беда тарихида у атиги 18 процентни ташкил қилади.

Хўш, нега унда пастияга эътибор қайта қуриш талабларига мос бўлиб тушмаяпти? Афтидан республика агрокомплекси, «Ўзпастия» мутасадди министриликлар ва бошқа бу соҳага алоқадор идора, ташкилотлар нақд резервдан фойдаланишда сустқашликдан қутулмоқчиликлари. Акс ҳолда турли хил махсус кенгаш, йиғилишлар, тузилган яқил тadbирлар ҳаётийлигини таъминлашда катта қадам ташланган бўлмасмики!

Қисқаси, пастия — сутчўп луб заводлари, паррандачилик фабрикалари, фермалар ва айрим саноат корхоналари сув ҳавзалариди ўзини тўла оқлади. Бинобарин, у оқаваларини оқлашни, тозаланишни таъминлади. Экологик муҳитнинг мусаффолашувига ҳисса қўшди. Энди гап унинг оммалашувида, барча алоқадор ташкилотларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлашида.

А. МАННОПОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Мутахассис маслаҳати

Пахтадан юқори ҳосил олиш, биринчи навбатда, екиладиган чигит сифатида боғлиқ. Эчки олдинда уруғлик унувчилигини ошириш, яъни уни туғроққа ҳимояланган таъминлайдиган, ихшолларнинг турли касаллик ва заҳарли моддалардан асрайдиган тадбирлардан бири чигитни зарарсилантиришдир. Бунинг учун хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислар ва пахта тозалаш заводлари ходимлари диққат эътиборини уруғлик чигити ҳам ашдан сифатида ажратиб олиш, дориллаш, уларнинг сифатини лаборатория назоратидан ўтказиш, жўнатиш, қабул қилиш ва уни сақлашни тўғри ташкил этишга қаратмоқлари лозим.

Чигит яхши тайёрланмаслиги натижасида ёш ихшоллар кўлаб нобуд бўлади. Бу республика пахтачилигини катта жиддий эиен етказмоқда. Уруғнинг, кўчатлар илдизининг чирини ва гоммос билан касаллигини, оқибатида ҳар йили анчагина майдонларнинг хатосига чигит ташланади, бўлган бутунлай қўйлади. Эчкидан қўйлади кўлаб ишти кучи, техника, чигит ва бошқа ресурслар сарфланади. Устига устак гўза ўсишдан оқовда қолади, етарли ҳосил тўплай олмайд.

Уруғлик ёки ёш ихшоллар об-ҳаво паст келиб, кўлаб егингарчилик бўлган, чигит чўкүр ташланган, эчки учун сифатсиз чигитдан фойдаланилган, қатқалоққа қарши ўз вақтида самарали кураш олиб борилмаган пайтларда содир бўлади.

Чигит униб чирин даврида унга, гоммос ҳам жиддий хавф солади. Гоммос билан касалланган ихшоллар бутунлай нобуд бўлади ёки ривожланишдан анча оқанда қолиб, ҳола ҳамда чигит сифати ёмонлашади. Гоммос эчкини ривожланиш ҳам об-ҳаво шароитига кўл жиҳатдан боғлиқ. Ваҳода ва ёнинг биринчи ярмида егингарчилик кўп бўладиган районларда гўзалар кўприқ ва уни касаллик билан зарарланади.

Гоммос қўзғатувчи бактерия асосан чигитнинг устки қатламда бўлади. Пахта заводларида у ҳам ашдан сақлани, қайта ишлаш пайтида зарарланган чигитдан бошқаларига ўтши мумкин. Бактерия уруғликиа ўтса,

чигитни дориллаш учун 300 литр, тўқин чигитни дориллаш учун 400 литр аралашма талаб этилади. Шунга кўра 1 тонна уруғлик учун 3—4 килограмм 40 процентли формалин керак бўлади. Кўлхоз ва совхозларда 150—200 килограмм чигитни дориллаш учун уч кишидан иборат бригада тузилиб, уларни иккита 200—250 литрли

нут давом этади. Сўнгра аралашма кейинги сафар ишлатиш учун бошқа бочкага солиб қўйлади. Аралашма доми кўйиб олинган, чигит брезент ёки полиэтилен пленкага олинди ва уюб қўйиб, устини ёпган ҳолда уч соат сақланади. Уруғликни уч соатдан ортиқ шундай ҳолатда ушлаш унинг унувчилигини пасайтириб юбориш мумкин.

Агар бирор сабаб билан эчкининг имкони бўлмади, эртанги кунга қолдирилса, чигит бризантга 4—5 сантиметр қалинликда ёйлади ва сояда намлиги нормал ҳолга келгунча қуритилади. Кейинчалик эчки пайтида чигит яна намланади.

Уруғлигини дориллаш пайтида одамларга зарар етмаслиги учун хавфсизлик техникаси қондаларга қатъий амал қилилади. Дориллашда иштирок этаётганлар респираторлар, химоя кўзёвонналари, фойдаланмоқлари, комбинезон ёки сув ўтказмайдиган махсус халатлар, резина кўпюк ва махсус поябазлаб кийишга алоҳида эътибор бермоқлари лозим.

Чигитни тўла кўқартириб, соғлом кўчатлар олиш борасида уруғлигини сифатли ташкил билангина чекланмади даркор. Ўсимликнинг нормал ривожланиши учун бошқа агротехник тадбирларнинг ҳаммасини ўз вақтида қўйиладиган баъзаришни маслаҳат берамиз. Аввало туғроқ эчкига яхши тайёрланмоғи, унумдорлиги оширилмоғи лозим. Эчки вақтида чигитнинг мабул чуқурликка тушишига эришяйлик. Бундан ташқари ортиқча намлик натижасида содир бўлган қатқалоқни ўз вақтида юмлатиш даркор. Ана шу ишларни намунали адо этиш билан бу йилги ҳосилга пухта замин ҳозирлаган бўламиз.

С. АЛИМУХАМЕДОВ, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ўсимликларини ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори.

ТАХРИРСИЗ ХАТЛАР

Ўғай эмас-ку!

Косон районидagi Некуз қишлоғи кўрмесизгина. Бу ерда атиги икки ой хонадон ашайди. Водопровод бору-суви йўқ. Ҳафтаинг бир кунги электр чирролари қўсмадан ёнса, ўша кунни ўшмакда байрам.

Клуб деган сўзни эшитганимиз-у, ўзини кўрмаганимиз. Гўшт дўкон билан сартархона қишлоқ аҳолиси фақат оруз қилади, ҳолос.

Автобус қатнамайди. Йўлларнинг харобитини айтмай-сизми? Бу ердан танқиди шоир-у кўлаб олимлар, давлат ва маданият арбоблари етишиб чиққанлиги билан фахрланиб юрамиз, ҳолос.

Косон район партия ва совет органлари, Нолаверса, қишлоқ Совети, Ленин номилик совхоз маъмуриятига Некуз қишлоғи ўғай эмаслигини эслатиб қўйсангиз.

Қишлоқ аҳли номидан З. ХУДОБЕРДИЕВ.

Қоғоздаги тadbирлар

Каттакўргон ёр-мой комбинати қонида янги тайёрландиган мўъжазликка ҳеҳ ташкил қилинган. У ишга кўзи оқизлар жамияти аъзолари жалб қилиниб, ишлар бирпасда жонлантириб юборилди. Лекин ишчиларнинг қувончи узоққа бормад.

налаш учун текис асбест ишферлар омонатига қоқиб қўйилди, ҳолос. Чанка ўтвэрилиб чиринган пол хатталари наждан бўлиб кетди. Бир эшикдан кирган шамол унисида гўвиллаб чиқиб турибди.

Эътирозимизни комбинат бош инженери Ю. Токарев шундай изоҳлади: — Қурилиш материалари йўқ. Кўзи оқизлар корхонаси керакли анжомларни топиб бера, ремонт қилиб беришимиз мумкин.

Бош инженер изоҳи никала корхона раҳбарлари томондан 1988 йил 20 октябр кун муҳрланган шартноманинг 13-банди шарт билан таништишга мажбур қилди. «Маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай шароитга эга бўлган бино билан таъминлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, ҳам аш ва иш курулларини бекам қўш сақлаш ҳамда ишчиларнинг қўнгиладигай ишларини, овқатланшин, дам олишларини учун барча зарур шарт-шароитларни яратишни ўз зиммаларига олади. Ижрочилар ўз навбатида юқорида кўрсатилган шарт-шароитга эга бўлган бинолар учун икара ҳақи тўлайдилар».

Шартноманинг 15-бандида бурюртмачи ҳеҳ капитал ремонтини, иситиш-совутиш системалари яхши ишланиш ва бошқа маъмувий ремонт ишларини ўз зиммасига олган. Кўз ва киш ойларида ишчиларнинг самарали ва ҳеҳнинг узлуксиз ишланиши бурюртмачи ўз маблаглари ҳисобига таъминлаб туриши ҳам айтилган.

Шартноманинг 15-бандида бурюртмачи ҳеҳ капитал ремонтини, иситиш-совутиш системалари яхши ишланиш ва бошқа маъмувий ремонт ишларини ўз зиммасига олган. Кўз ва киш ойларида ишчиларнинг самарали ва ҳеҳнинг узлуксиз ишланиши бурюртмачи ўз маблаглари ҳисобига таъминлаб туриши ҳам айтилган.

Афсуски, шартномави яроси ҳақида гапиринг ўрнига Ю. Токарев аввалига елка қисди, кейин истар-истармас ўзини оқлашга тушди: — Ремонтини бошланганиз, бутун тегишли ходим-

лар яна йиғилишиб, зарур чоралар кўриш ниятимиз бор...

Таассуф, ўша кун ҳеҳ ким йиғилмади. Шаҳар ижроия комитети раиси Ш. Қўчқоров, умумий бўлим мудири Р. Умарова ишхонадаги вазиятни яхши билишса-да, ўзларини четта олиб келишяпти. Тўғри, масала ўтган йил ёзда бир бор махсус кўриб чиқилган. Лекин белгиланган чора-тадбирлар қоғозларда қолиб кетяпти.

Қачонгача давом этаркин

Сарносиё уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига қаршли кўзи оқизлар шаҳеттан 20 квартиралы турар-жой биноси биринчи қавати алаачоқч арвоси ҳолга желган. Сабаб — «Ўзгастро-миз» филиали бинокорлари унинг смета баҳосини арвоси-лаштириш мақсидида қури-лиш қонун-қондалари ва нормаларини бузиб, маҳаллий шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олмай лойиҳалаштирганлар. Бино пойдевори нураб, сувоқлар тўқилиб шўрлаб кетган. Поллар чириб, зах ҳиди бурунини ёради. Бу ерда ишловчилар бош урмаган эчки қолади. Аҳвол ўша-ўша. Район ижроия комитети ва уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси раҳбарлари аҳолини ўнгилашга ваъда беришди. Лекин ваъда-ваъдалигича қолди.

Термиз қурилиш таъминоти бош бошқармаси 40 кубометр тахтадан жўнатиш керак эди. Бироқ келишилган муддатда янги 10 километр йўл босиб иккита КАМАЗ

ташқари Сарносиёга куруқ қайтиб келди. Кўзи оқизлар турмуши ва меҳнатига бундай бюрократик муносабат қачонгача давом этади.

Р. РУЗМЕТОВ, республика кўрлар жамияти капитал қурилиш бўлими мудири.

«Қолган ишга қор ёғар»

Китоб район «Паландара» боғдорчилиқ совхозига қарашли Дейишқон қишлоғида кўи онла истикомат қилади. Қишлоқ аҳолиси район марказига бориб келиш учун ўн километрлаб сув-лоё қўздан йўл босиб ўтишига тўғри келади. Чунки бекат айланиб ўтиш учун жуда узоқ, У совхоз мақсаздан ҳам нари-қоқда жойланган. Дейишқон қишлоғидан 500 метр нари-да бекат бор-у, аммо ўртадан дарё оқиб ўтади. Қиш кунлари сувдан кеңиб ўтиш тўлиб оқади. Бунинг устига тўв муздай, ҳаво совуқ, Ай-ниқса, касалхона, туғруқчо-на ва поликлиникаларга қат-найдиган йўловчиларга жу-да қийин. Қишлоқ аҳ-ли бу тўғрида мутасадди раҳбарларга бир неча марта айтгани билан фойдаси бўлмапти. Елгон бўлмаси, ўтган йили район кўприносоз-лиқ бошқармаси кўприк қури-лиш мақсидида дарё устига қозғиб қўриб кетинди-ю, усти-ни ёлмасдан қойиб бўлиш-ди. Шундан кейин бир не-ча марта қор ёғиб ўтди.

Чала қолган кўприк қачон ёкида? Зора, келгуси қор ёқунча кўприк ишга тушиб кетса.

А. СУЮНОВ.

НАВБАҲОР ВАСФИ

Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар.
МУКМИЙ.

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,
Жаҳондин кеч, ҳаёли васфи ёр эт.

НОДИРА.

Юз баҳор охир бўлиб, ҳар чеккадан
жой олди гул,
Хайфидир бизнинг гулимиз зеби дастор ўмаси.
ЗЕБУННИСО.

Келди айёми баҳор, олам гулистондир буқун,
Лолалар очилди саҳро боғу бустондир буқун.
НОЗИМАХОНИМ.

Сабзариғ кўйлақдаги ёрни кўриб тоғ устида,
Лола очилмиш, дедим, зангори япроғ устида.
Собир АБДУЛЛА.



НАВРЎ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!



Сирдарё областьи Форишдаги Қизилқир тепалиғида Наврўз тантаналарини ўтказишга тўпланган кишилар бир-бирларини шу сўзлар билан дастурхонга чорлади-лар. Баҳор ва меҳнат айёми кунини ташкил этилган «Наврўз таомлари конкурс» байрамга ўзига хос маъму, кайфият бахш этди. Катта қозонларда қайнаган су-



«Таомлардан татиб кўринг!»

малак, турли кўнатлардан тайёрланган сомса, пучак, гўжа ва таомлар, шифобахш ровоҳ ва таттан таърифи оғиздан тўшмади. Муҳими, конкурсда мағлублар бўлмади.

Бадий ҳаваскорлик коллективлари ўртасидаги ўзаро мусобақада Сайёд қишлоғининг «Бағдод гуллари» ва Янгйишлоқнинг «Чучумма» фольклор ансамблири муваффақиятлик қатнашди. Томошабинлар қаҳрамон она Тощубан Бобонова, чў-

пон Ўғилей Камоловалар томонидан ижро этилган «Омонёр», «Гулбоғ» каби қўшиқлар, миллий рақсларини айниқса олқишладилар. Шу кунини тўпланганлар ўртасида миллий кураш ва от пойғаси мусобакалари ҳам бўлиб ўтди.

Осмонов ва Каттабоғдон қишлоқларидаги ўрта мактабларда Наврўзга бағишлаб

В. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳ-
бири.

ЗАРАФШОННИНГ ЗАР КОКИЛИ

Бир соҳилда Сойизебон — ўғлининг иси Наврўз
Панжакентлик бародарга бу ном таворидир ҳар рўз.
Бир соҳилда Камангарон — духгараш Гулнаврўз,
Ургутликлар — гуфто азал — ҳам дилбару ҳая зардўз.

На фақат одамлар, табиат ҳам Наврўзга ихлос қўйган. У Баҳорнинг фарзандларини Гулнаврўз ва Наврўз деб атагани рост. Ишонмасангиз рази солинг: бошига яшил рангдан дурран билан бойлаган кўзларига олам-олам озуларини жойлаган Гулнаврўз келинчақ янглиқ сумчаларга атаб бўшлайди, дастурхоннинг қуллоқларига халқча тақадди, янгитларнинг кўксига безоватлик туғуқсини сочади. Бу дилсизга шоган аёл Янгитнинг ҳосил тақдирдан безоватлиғи, бу «күр-күр» дея қўйларини тоққа ҳайдаган чўпоннинг кўкча боққандаги безоватлиғи, бу пишиқни оқайтан сой томонига — севгилисиз ҳузурига югурётган ошқин Янгитнинг безоватлиғи... Ҳа, Гулнаврўз алломишларини барвақт уйғонишга, кенроқ ухлашга, кўпроқ ўйлашга чорлайди!

Билатки қучга, кўниси яйратга гўлган Наврўзбек эса, қандайдиги қучи билан Панжакент тоғларини, Ургут адирларини нурга қоплади. Тоғларга лолалар «қадади», томларда лолкичағалдоқлар ўстирди. Тош тағидида наъманатининг қуллоқларини дан тортиқлади, жойда шохларига қушбўйлиқ ато этди — қилларини қалбин китқилдиш учун! Ҳа, Наврўз ўзбегу тоқкича, бугун борлик, бо-бо табиатга ҳам бир! Уни болалар ҳам севинишди. Қуллоқдаги чўмонани, бойчечакни тортиб олишадигу, ҳовлима-ҳовли югуринишди. Ургутлик болалар халқ термасини ҳар йили ўзларича янгилаб олишадигу: «бойчечаким бойланди, қалбимизга жойланди». Чўкиб салом бермасанг, қувончаларинг вайрондир!» Болалар қозонда айрон

лик белгиси! Сумалак хурсандчилик, савдат, шодлик аломати! Сумалак — баҳор, Наврўз кўшиғи!

Бурноғи йили бизда Наврўз «кишанлаб» қўйилганда ҳам самарқандлик, ургутликлар хонадонидан шодлик аримеди, Чўки, Панжакент ва Душанбадан меҳмонлар келишиди. Ахир, ўзидан ёши улугларни бориб кўриш Наврўз давлати-да. Панжакентликлар азалий ҳамсолларига сумалак ҳам юборишди. Самарқандлик, ургутликларни халса (ҳалим) хўрликча чорлашди. Пулмуғуроб қишлоғида яшовчилар ҳозирчада Панжакентнинг Колхозчиён қишлоғида пиширилган халсанни меҳташад.

Наврўз тонғида ургутликлар Тўпхонга келишди. Ғўлисиклар шу ерда таринжақлик дўстлар билан қучоқлашиб кўришадилар, испанчаликлар камангаронлик биродерларини топедилар. Тўпхона атрофидаги адирлар одамга тўлиб кетади. «Саломатлик йўли» орқали ўтганлар тоғ тарафга кўтарилишди. Бир ёнда «бешқарсақ», бир ёнда панжакентлик созандалар... Қўшиқлар ҳам икки тилда айтылади. Бу — азалий одат! Панжакентликлар ҳам Наврўз айёмида ургутликларни тақлиф этишган. «Ба дёнёр Рўдеки бузруғор хуш омедад, дўстони азиз», деб уларни кутиб олишди. «Марварид», «Гўлчин» халқ ансамблиари санъаткорлари сафида Ургутдан борган хушовоз йигит-қизлар ҳам куйлашадигу.

Наврўзнинг қислат, фазилатлари турфа! Уларнинг орасида энг бўртиб тургани унинг байналминал байрам эканлиғидир. У ўзбегу тоқкичи бирлаштириб, дўст-қардош, қондош-жондош айлаган бабаҳо ҳикमतидир. Шу бонс ҳам улар Наврўзни ардоқлашадигу.

Балки, ҳаммасига она Зарафшон асосидир. Йўқ, бугун ким асосчи эканини қидирмоқ мақсад эмас. Мақсад ана шу Зарафшон соҳилларида ака-ука бўлиб кетган икки халқнинг бир қўшиғи борлигини таъкидламоқдир.

Бу қўшиқни дерлар Наврўз — Пурсед аз Ургут муҳ.
Ин суруд: Наврўзи олам — Панжакент бунга гувоҳ.
У боқийаст, мангу яшар икки тилу бир дилда.

Икки халқнинг Наврўзи бу, ба як осмон ил ҳумо!
Жаҳонгир МУҲАММАД.

ҲАЁТ СЕВИНЧЛАРИ

Республикамизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида «Наврўз» айёмини секин ва қувонч-ларга тўла руҳда ўтказди. Жумладан, Наманган область Янгйўрган районига ҳам баҳор шодийналарини сервақ ва серфаёз бўлди.

СУРАТЛАРДА: 1. Янгйўрган районидagi «Октябрь» колхозининг табаррук кексалари — Раҳмонбой ва Оминхон Шерғазиевларнинг бирга турмуш қурганликларининг олтинчи йиллик шуб «Наврўз» айёмига тўғри келганини айниса қишлоқ ақли учун мароқли бўлди. Уларнинг оиласида ҳозир юзга яқин фарзанд набира ва абралар бор. 2. Отақонларнинг бир пилё чой устидаги қизғин сўхбатларини ҳар қачонгидан ҳам ўзгача эди. 3. Миллий спорт мусобакаларининг, чақдас полонларнинг беллашувларини байрам қатнашчилари микириб томоша қилдилар.

А. КОВТУН фотолари,
(ЎЗАГ).

Спорт

ЎЗГА ЮРАК ВА МАРАФОН

43 ёшли голландиялик врач Пауль Фретиц Нью-Йоркда ўтказилган мусобақада марафон масофаси — 42 километрга 195 метрни босиб ўтди. Гап шундаки, унинг юраги жарроҳлар ўрнатган электрон «кўтича» ёрдамида телиб турган эди. 45 ёшли инглиз Бриан Прайс эса Востон шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада шу масофага ўзга юрак билан югурди. Кўрсатган натижаси 5 соат 57 минутта тенг бўлса-да, марафон чизигидан ўтиб, юрак ўрнатган шифокорни беҳад қувонтирди. 22 ёшли студент Мартин Швабе (ГФР) бўлса, бегона юрак билан икки йилдан бери футбол ўйнамоқда.

СОВРИЛАР ВА УРИНЛАР

ВЕЛОПОЯГА. Тошкент области йўллари бўйлаб ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 280 километр ортада қолди. Олти босқичдан иборат бу мусобақада асосан хотин-қизлар бақслашдилар. Тошкентлик И. Осипчино 3 соат 2 минут 43 секундда натижа билан муваффақият қозонди. Ўзбекистонлик И. Орехова билан тошкентлик М. Лешешева дақиқалар ҳисобида орта қолди. 2 ва 3-ўринларни олмишди. Команда ҳисобида Тошкент области пойғачилари зафар кўчдилар.

ЧАНГИДА УЧИШ

Тошкентлик ўқувчи М. Митишкин ўз тенгқурларни орасида ажралиб турибди. У Междуреченскда ўтказилган Бутунитиёқ мусобақасида иккинчи бўлганда, СССР биринчилиғида қатнашиб, галаба қозонди. Чинида маҳорат оширайтган бу чангичига мутахассислар катта уямд болмошмоқда.

ФУТБОЛ

Олий лига командалари ўртасида ўтказилган иккинчи тур ўйинларидан кейин «Спартак», «Днепр», «Шахтёр» коллективлари тўрттадан очко билан олдинда боришмоқда. «Динамо» (Мн), «Жалғирис» ва «Зенит» футболчилари мавсум бошидаёқ тўрттадан очко йўқотишди.

СПОРТЛОТО

«Спортлото»нинг 1989 йил 19 март кунини ўйналган 12-тирражи нўйидаги натижаларини берди.

«45 дан 6»: 19 (чанғида пойга), 21 (сузиш), 25 (чана спорт), 30 (огир атлетика), 31 (қил-қоболани), 37 (аиробатика).
«36 дан 3»: 1 (биринчи), 2 (биятлон), 15 (балларга ва каловда ашкан ошпиш), 19 (чанғида пойга), 29 (стендга отиш).
(ТАСС).

Редактор
У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕХНАТ ВА СОЦИАЛ
ТАЪМИНОТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
РСФСРнинг колхоз ва совхозларига доимий яшаб қо-
лиш учун бориш юзасидан
ОИЛАЛАРНИ

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРАДИ

КЎЧИБ БОРИШНИ ИСТАГАН ГИРАЖАНЛАР ҚУ-
НИДАГИ МУДДАТЛАРДА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ-
ЛАР:

- ЧИТА ОБЛАСТИГА — 1989 йил 31 мартгача;
- ПРИМОРЬЕ ЎЛКАСИГА — 1989 йил 14 апрелгача;
- ПСКОВ ОБЛАСТИГА — 1989 йил 20 апрелгача;
- ИВАНОВО ОБЛАСТИГА — 1989 йил 8 майгача;
- КОСТРОМА ОБЛАСТИГА — 1989 йил 15 майгача;
- ЯРОСЛАВЛЬ ОБЛАСТИГА — 1989 йил 20 майгача;
- РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1989 йил 25 майгача.

Кўчиб бориш учун қарамоғида қайида ишга лавқатин икки аъзоси бўлган оналарнига расмийлантирилади.

Кўчиб бориш учун расмийлантирилган оналарга 2 тоннагача уй жиҳозларини бепул ташиб олиш ва йўлда бепул юриш ҳуқуқи берилди, уларга бир йўла ёрдам пули тўланади, етиб борилагач кўчиб борган оналар уй-йўли ёки квартира, ҳовли қуришлари бўлган томоғида участкаси билан таъминланадилар.

Янги кўчиб борганлар икки йил мобайнида квартира ҳақи ва саккиз йил мобайнида қишлоқ хўжалиғи солиқларини тўлашдан овоз қилинадилар.

Варча сарнақалар ва расмийлантиришга оид сарволлар билан қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

- ШАҲАРЛАРДА — аҳолини ишга жойлаштириш область шаҳар марказлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бўйича бюросига;
- НУКУС ШАҲРИДА — Қорақалғистон АССР республика марказига;
- РАЙОНЛАРДА — Қорақалғистон АССР республика маркази вақчаларига ва аҳолини ишга жойлаштириш бўйича маҳаллий органларига;
- ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Космонавтар проспекти, 6-уй ва Приокзальная кўчаси, 30-уй, шунингдек аҳолини ишга жойлаштириш бўйича район пунктларига.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

«ЕШЛИК» СПОРТ САРОИИ ВИНОСИДА
(Пахтакор кўчаси, 7-уй)
13-15 апрелда

орғичча халқ истеъмол товарлари чакана савдоси бўйича

Республикалараро армарна ўтказилади

ЯРМАРКА ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ КЕЛИШИ 11-12

АПРЕЛДА КУТИЛАДИ.

ЯРМАРКАДА ҚАТНАШИШ УЧУН ЧАКАНА ВА

УЛГУРЖИ САРДО ТАШКИЛОТЛАРИ, САНОАТ КОР-

ХОНАЛАРИ, ИШЛАВ ЧИҚАРИШ ВА САРДО КООПЕ-

РАТИВЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНА-

ДИЛАР.

Ўзбекистон ССР Узаосредторг. «Ўзбекбирлашу»

Савдо министрлиғи

«ЎЗАВТОРЕМОНТ» ИШЛАВ ЧИҚАРИШ

БИРЛАШМАСИ

БИРЛАШМА БОШ ДИРЕКТОРИ

ЛАВОННИГА

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 28

мартгача.

Тегишли соҳа бўйича

олий маълумотли, намида 5

йил рақабат қилишга қобил

да ишлаган кишилар қои-

да қатнаша оладилар.

Хўжақатлар қуйидаги

адресга жўнатилинсин: 700005,

Тошкент шаҳри, 8 Март кў-

часи, 57-уй. Телефон: 91-53-

62.

«ЎЗХЛОПКОПРОМ»

РЕСПУБЛИКА ИШЛАВ

ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

юрдик бўлими бошлиғи,

контроль-ревизия бўлими

бошлиғи, бош энергетик

вакант ваизфаларига

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати —

1989 йил 10 апрелгача.

Адрес: 700070, Тошкент

шаҳри, Шота Руставели кў-

часи, 8-уй, кадрлар бўлими.

Телефон: 56-03-43.

МЕХНАТ ҚИЗИЛ

БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ

ТРАНСПОРТИ

ИНЖЕНЕРЛАРИ

ИНСТИТУТИ

(422-аудиторияда)

1989 йил 29 март

соат 17.00 да

Тошкент шаҳар ва Тош-

кент область мактабларининг

юқори синф ўқувчилари учун

рус ва ўзбек тилларида

ФИЗИКАДАН

ОЛИМПИАДА

УТКАЗАДИ

Олимпиада қатнашчилари

га кириш имтиҳонлари да-

ражасидаги нисоллар ва сав-

воллар ҳавола этилади.

Институт тайёрлайдиган

мутахассислар бўйича суҳ-

батлар ўтказилади.

Адрес: Тошкент шаҳри,

Л-45, Оборонная кўчаси, 11-

уй (25, 40, 61, 66, 161-авто-

буслар; 2, 10-трамвайлар-

нинг «Темир йўл транспорт

институту» бенини).

Ўзбекистон ССР Телевизи-

онинг ва радиотелерадио дав-

лат комитетининг республика

радиоси коллективини Ахборот

бош редакциясининг бўлими му-

дирли 3. Тошкентга отаси

Махбуба

АБДУЛЛАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати

билан чуқур таъзия наҳор қи-

лади.

Ўзбекистон ССР Фанлар ака-

демиясининг Тил ва адабиёт

институтини реставрати, парти

ва касса овоз ташкилотлари

илми ходим Д. Ахборовага

отаси

Тошбулат

МАҲМУДУНАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати

билан чуқур таъзия наҳор қи-

лади.

САНИҲИ Илми-ишлов чини-

ринг бирлашмаси коллективини

Паркент иттиҳослашган кўчма

механикашани колхозини бош-

лиғи О. Ю. Косовскийга отаси

Юрий Иванович

КОСОВСКИЙНИНГ

вафот этганлиги муносабати

билан чуқур таъзия наҳор қи-

лади.

Ўзбекистон ССР Театр ар-

боблари Союз прателенини

Ўзбекистон ССРда қиамат кўр-

сатган артист

Сурмагон

ЙУЛДОШЕВНИНГ

вафот этганлиги чуқур қай-

ғи билан билдириб, марҳумининг

оила ўзгаларига таъзия наҳор

қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
«Советский Узбекистан»
Орган ЦК Компартии
Ўзбекистани, Верховного
Совета и Совета Министров
Ўзбекистон ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград
кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қ